ШЕРДОР МАДРАСАСИ

Ушбу мадрасаи олия Туркистон подшоларидан Имомкулихон хазратларининг давринда сипохсолор ва хам Самаркандга волий бўлгон Абдулкарим Ялангтўш Баходир тарафиндан бино килингандур.

Ялангтўш Баходир Самарканд аскари ила Хуросон ва Машхадни истило этиб, ул тарафдан келтургон амвол, ганойим ила Самаркандга ушбу Шердор ва хам Тиллакори мадрасаларини бино этибдур. Бу мадрасалар дохилан ва хорижан чиний мулавви коши ила зийнат берилиб кошиларини аксари гўё бугун усто ва санъаткор кўлидин чикгон кабидур.

Тарих биноси Шердор мадрасасини дохилий ва гарбий токинда чиний музойик ила зердаги важх узра назман ёзилгандур...

Шердор мадрасасининг мадхали ва жабхаси гарбдаги Мадрасаи Мирзо Улугбек Кўрагоний мадрасаси мохазисинда мутаважжих ва иккиси юз ба юз бир шаклда бино килинган. Иккиси фосиласи юз аршин ва ораси тош фарш килинган васиъ бир майдондурки, Регистон аталур.

Регистоннинг шимоли ва жануби катта йўл бўлуб, шимолидаги каноринда болода зикр килингон икки мадраса рукн ва зовияларига мукобил Тиллакори мадрасаси мабнидур. Шердорнинг самти хориждан хадди гарбия ва шаркияси 82 аршиндан, шимолий ва жанубий жихатлари 95 аршиндан бўлуб, жамъан 779 мураббаъ аршин ерни мухтавийдур.

Шердорни сахни дохилиясининг гарбий ва шаркий хадлари 54 аршиндан, шимолий ва жанубий тарафлари 52 аршиндан бўлуб, вусъати 2808 мураббаъ аршин ва ери мармар тош ила фарш бўлуб, тўрт жихатдан хужралар ва тўрт катта равокнинг жабхаси ушбу мураббаъ сахнга мутаважжих ва нафси иморатни ўрни 4910 мураббаъ аршин ерни шогилдур. Мадраса икки ошиёна бўлуб, 64 хужра, икки катта дарсхона, дохилан тўрт катта токни мужтамилдур...

Пештокнинг хорижий жабхасинда мехробнинг икки тарафинда бир-бирига мукобил йкки шер (арслон) шаклини мусаттах чиний ва кошилар ила арслон рангида мулавван тасвир килингани учун Мадрасаи Шердор аталибдур. Арслон накшасининг асари бу кунда хам маълумдур. Мадраса ва миноранинг бошка жихатларинда тасвир йўк ва аксарият ила ояти хадис ва тарихи абётни мармарларга музойикланган ва коши мулавван чинийлар ила ёзилгандур. Мадраса минора ва куббаларининг бутун сатхини араб, эрон, хинд услуб наккошиси узра мулаввун чиний ва рангоранг коши ила нихоят нафис суратда накшлангандурки, тўрт аср бўлган бўлса хам кошилар офтоб ва ой нурини акс этдурар ва кўзни камашдурар.

Минора мадхалига етгандан сўнгра минора ичиндаги 56 зина воситасила миноранинг шарафаси устинда минилур. Энди ушбу буюк минора устидан Самарканд фирдавсмонандининг зумурраддин богу бўстонлари, хушоханг латиф нахрлари, тўгри ва аважожлик йўлларини тамошо этиб, Самарканд шахри офокнинг атрошом, соглом, нафис хавосини шимитмали ва бу муборак офокдаги юзлар ила тариз тог парчаларидек мадраса, дахма, кубба, масжидларни сайр килмали.

У муборак кубба, дахма ва букъалар боний ва сокинларининг мозийга мадфун ва мужассам тарихий ва диний кахрамонликларини ёд этиб, бахри таоммикига махв ва гарк ўлмали.

«Ойна» журнали, 1913 йил, 1-сон, 6—9-бетлар.